

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ
“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси

Химояга



РУХСАТ ЭТИЛСИН

Кафедра мудири

Хотамов А.Т.

«23» 05 2018 й.

№ 23/2 баённомаси

5340300 «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун бажарилган Битирув малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Лойиҳа (иш) мавзуси: Тошкент шаҳар ҳимобод
турлари ажраси учун Ф.Х.Д.Е ва шарт
нам ишора учун лойиҳавий тақдим

Лойиҳа муаллифи: 40-14 ШКХ

гурух

талабаси: Нематхонидова У.

Тушунтириш хати - 52 бет.

Раҳбар: Рахмонов Б.Р.

Чизма 4 варақ

Маслаҳатчи 1.: Рахмонов Б.Р.

Маслаҳатчи 2.: Қарабаева Ш.С.

Маслаҳатчи 3.: Толимов Ш.З.

Маслаҳатчи 4.: Қарабаева Ш.

Тошкент – 2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қурилишни бошқариш факультети

ШҚХ кафедраси

5340300 “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” йўналиши

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири

2018 йил

ТОПШИРИҚ

Талабанинг бакалаврлик диплом лойиҳаси

Исмаилов И.

Исми, шарифи

1. Мавзу (лойиҳа): Тошкент ш. Яшилдар тўғрисида
аҳолини ўқитиш Ф.Х.Д.В. ва нотариал
идора ўқитиш лойиҳаси

Институтнинг «16.12» 20 17 йилдан № 5/41 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Ишга оид дастлабки маълумотлар: ситуация режиси

3. Индивидуал (якка) топширик:

индивидуал топширик

4. Ҳисоблаш – тушунтириш хатларининг мазмуни (ишга тааллуқли масалалар рўйхати): Кириш; Шаҳарсозлик қисми; Архитектура – қурилиш қисми; Конструктив ҳисоблаш қисми; Хулоса; Адабиётлар; Илова;

5. График материал рўйхати (мажбурий чизмаларни кўрсатган ҳолда):

1 лист – Мавзунини долзарблиги, умумий маълумотлар

2 лист – Фасад ва қаватлар режаси


3 лист – Конструктив қисмлар, деталлар, спецификация

4 лист – пойдеворлар режаси, деталлар, спецификация

томёпмалар жойлаштириш схемаси, деталлар, спецификация

Том қопламалар жойлаштириш схемаси

6. Иш бўйича маслаҳатчилар (ишга оид қисмларни кўрсатиб)

Қисмлар	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топширик топшириш	Топширик қабул килинди
1. Шаҳарсозлик қисми	Хотамов ИТ	16.12.17 2.02.18	
2. Архитектура қурилиш қисми	Қадрбаева И	2.02.18 28.03.18 Қадрбаева И	Қадрбаева И
3. Конструктив ҳисоблаш қисми	Раҳимов БХ	28.03.18 21.05.18	Раҳимов БХ
4. Меҳнат муҳофазаси қисми	Ҳамроева	21.05.18 26.06.18	

7. Топширикни топшириш санаси 16.12.17

8. Рахбар проф. и.ф.ф. Рахимов БХ (имзо)

9. Топширикни бажаришга қабул қилди Исамухамедова И.И. (имзо)

10. ТАҚВИМ РЕЖАСИ

	Иш босқичларининг номи	Иш босқичларининг бажариш муддати ва процентовкалар	Эслатма
1.	Шаҳарсозлик қисми	2.02.18	
2.	Архитектура-қурилиш қисми	28.03.18	
3.	Конструктив ҳисоблаш қисми	30.04.18	
4.	Меҳнат муҳофазаси қисми	26.06.18	

11. Олдиндан ҳимояга тақдим этиш муддати 25.06.18.

12. Диплом лойиҳа бажарувчи талаба Исамухамедова И.И. (имзо)

13. Диплом лойиҳа раҳбари проф. и.ф.ф. Рахимов БХ (имзо)

КИРИШ	6
I. ШАҲАРСОЗЛИК ҚИСМИ	10
1.1. Худуднинг шаҳар бош режасида тутган ўрни.....	11
1.2. Объектнинг чегарадош ҳудудлари.	15
1.3. Атроф-муҳитни баҳолаш.	15
Иқлим.	16
1.4. Экологик ҳолат.	18
II. АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ҚИСМИ	19
2.1. Жамоат бинолари.	20
2.2. Ишдан мақсад – умумий маълумот.	21
2.3. Бинонинг умумий тавсифи.....	22
2.4.Ҳажмий-режавий ечим учун вазифа.	23
2.5. Техник – иқтисодий кўрсаткичлар.	24
2.6. Кўкаломзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари.	25
III. КОНСТРУКТИВ- ХИСОБ ҚИСМИ.....	38
3.1. Бинонинг конструктив тавсифи.....	39
3.2. Лойиҳалаланаётган бинони пойдевор ҳисоби.....	40
IV. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚИСМИ	44
4.1. Замонавий қурилишларда меҳнат муҳофазасининг ўрни.	45
4.2. Қурилишда меҳнат санитария ва гигиенаси	Ошибка! Закладка не определена.
4.3. Қурилиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги.	Ошибка! Закладка не определена.
4.4. Қурилишда ёнғин хавфсизлиги.	49
ХУЛОСА	51
АДАБИЁТЛАР	55
ИЛОВА	

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан кейинги 27 йил мобайнида, хусусан, сўнгги 2-3йил ичида мамлакатимизнинг архитектура қурилиш соҳасида жуда катта ютуқларга эришилмоқда. Бу Президентимиз томонидан мамлакатимизни 5 та устивор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг равишда амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда бўлаётган қурилишлар, ободонлаштириш ишлари, кўплаб ҳашаматли бинолар, спорт саройлари, ёпиқ бозорлар, замонавий кўча ва майдонлар, хиёбонлар ва бошқа қурилган иморатлар қурилиш ва архитектура соҳасидаги ишларнинг кенг кўламидан далолат бериб турибди. Айниқса юртбошимиз томонидан жорий йилда обод қишлоқ дастури доирасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Бугунги кунда архитектура ижтимоий – иқтисодий, эстетик, демограф ва кўп асрлик тарихий маданият анъаналарининг бирлигини тикламоқда. Янги турар-жой, саноат районлари ва мажмуаларининг қурилиши билан бир қаторда бугунги кунда мавжуд фондни модернизациялаш ва қайта қуриш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шаҳар иморатларини янгилаш ва қайта қуришнинг муҳимлиги шундаки, XX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар қурилиши шаҳарларнинг четки районларидаги бўш ерларида ёппасига интенсив ривожланиш характериға эға эди. Натижада қурилиш нархи 2 – 5 % ошди, эксплуатацион харажатлар қимматлашди, унумдор ерлар камайиб кетди. Бу усул архитектура – шаҳарсозликда салбий ижтимоий – иқтисодий йўқотишларға, транспортда юришда кўп вақт йўқотилишиға, одамлар орасидаги алоқаларнинг сусайишиға, марказий районлар функциясининг пасайишиға олиб келди. Сўнгги йилларда шаҳар иморатларини қайта қуришда эски иморатларни бузишнинг, тарихий биноларни асраб қолишнинг янги концепциялари ишлаб чиқилди. “Ҳозирги Тошкент шаҳрининг турар-жой фондида 9260 та кўп қаватли бинолар бор. Улардан 60 % дан кўпроғи утган асрнинг 70-80 йилларида қурилган бўлиб, капитал таъмирлашни талаб этади. Биз шаҳарлардаги жуда кўп турар-жой ҳудудларини қайта қуришимиз керак, бу эға

муаммолар ечимига ёндашиш принципларини қайта кўриб чиқишни талаб этади, шу жараён мобайнида биноларнинг лойиҳавий ва меъморий композицион ечимлари янгиланиши керак. Индустириал қурилиш усулларнинг янги қурилиш ва конструктив схемалар, қурилиш техникасининг интенсив ривожланишида кузатилади. Турар-жой массивлари, микротуманларни реконструкция қилиш, уларни бугунги замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда аҳолига кундалик турмушда зарур бўладиган маданий-маиший хизматларни талаб даражасида таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур битирув малакавий ишида шаҳарларда, айниқса Тошкент шаҳридек мегаполислар учун характерли бўлган маъмурий биноларни замонавийлаштириш лойиҳасини бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бугунги кунда барча мамлакат иқтисодиётини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган замонавий корхоналарнинг бошқарув бинолари ҳам уларга мос равишда бўлиши, барча замонавий талабларга жавоб бериши талаб қиланади. Мен ўзимнинг мазкур ишим Тошкент шаҳар Яшнобод туманига таклиф қилинаётган масжид лойиҳаси бўйича реал мавзу танланган бўлиб, унда бериладиган барча таклифлар бугунги кун талаблари бўйича қабул қилинган. Мазкур лойиҳада замонавий жамоат бинолар учун зарур бўладиган барча шарт-шароит инобатга олингандир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2 апрелдаги фармони билан Давлат архитектура ва қурилиш кумитаси базасида Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги ташкил этилди.

Фармонда кайд этилишича, таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион гоялар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди.

Хусусан, шаҳарсозлик фаолияти, лойиҳа ва пудрат хизматлари бозори, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ҳамда

ривожланиш тенденциялари комплекс тахлил килинмаган, шаҳарсозлик соҳасида давлат хизматларини курсатишнинг максимал шаффофлиги ва самарадорлиги таъминламаяпти.

Купчилик аҳоли пунктларининг бош режалари мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс қуришга, ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини жойлаштиришга, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир курсатмоқда, шунингдек, қурилиш жараёнида пухта уйланмаган қарорларни қабул қилишга сабаб бўлмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар анча эскирган ҳамда уларда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг инновацион услубларини, энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг қўллаш эътиборга олинмаган, бу эса лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектларни қуриш сифатига салбий таъсир курсатмоқда.

Қурилиш ишларини ташкил этиш, инновацион гоялар ва ишланмаларни жорий қилишда айрим ҳолларда тор идоравий манфаатнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмасликнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази Қурилишда стандартлаштириш республика маркази этиб қайта ташкил қилинди.

Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Қуйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш,

курилиш-монтаж ишлари кийматини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиха ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш; республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш; шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йуналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узок муддатли ва урта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармок ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш; лойиха иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиха-қидирув ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, яқка тартибдаги, намунавий, такроран қулланиладиган ва экспериментал лойихаларни ва лойиха ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш; шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш норма ва қоидаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, лойихалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш; архитектура, лойихалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида укув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойихачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кумаклашиш.

Аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларга қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиши, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш, лойиха-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари

ва буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тугрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма, қоида ва стандартларига сузсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек буюртмачи техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари муаллифлик назорати олиб бориши устидан мониторинг утқизиш вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат бўйича инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Фармон билан қурилиш-монтаж ташкилотлари реестрини юритиш тугрисидаги талаб бекор қилинди. Барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Икки ҳафта муддатда қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялашнинг соддалаштирилган механизми тасдикланади.

I. ШАҲАРСОЗЛИК ҚИСМИ

1.1.Худуднинг шаҳар бош режасида тутган ўрни.

Тошкент шаҳрининг, қолаверса лойиҳаланаётган объект жойлашган Яшнобод тумани ҳақида умумий маълумотларни келтирамиз.

Яшнобод тумани. Тумандаги маъмурий-ҳудудий бирлик, 1968 йилда ташкил қилинган. Туман Амир Темур хиёбони ва Истиқбол кўча бўйлаб Фарғона йўли кўчагача, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб, Оҳангарон йўлидан Паркент кўчагача давом этади. Майдони 3,37 минг гектар, шу жумладан, кўкаламзор ерлар 615 гектар. Аҳолиси 204,9 минг киши (2016). Кўчалар сони 356 та. Асосийлари: Истиқлол, Тараққиёт, Фарғона йўли, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, Жарқўрғон, Ҳамза ва Оҳангарон. Ҳамза туманида 50 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 2769 та корхона ва ташкилот, 2169 кичик корхона ва микрофирма, 266 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Подъёмник», «Ўзэнерготаъмир», «Тошкентвино», «Ғалла-Алтег», «Ўзбек қоғози», «Ўзбекистон шампани», «Тошдонмахсулот», «Тошкентгуруч» АЖ, «Фарм Гласс» ҚК ва қурилиш ташкилотлари; темир йул транспорти корхоналари - тепловоз ва вагон деполари, темирйул юк ортиш-тушириш т.й. станцияси бор. Шунингдек, туманда 78 транспорт ва алоқа корхоналари жойлашган. Кейинги йилларда ташкил қилинган «Фарм Гласс» Ўзбекистон-Британия, «Туфин» Ўзбекистон-Исроил, «Лок-Колор-Синтез» Ўзбекистон-Швейцария, «Хобас-Тапо» Ўзбекистон-Германия-Швейцария, «NWA» -Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар и.ч. йўлга қўйилган. Ҳамза туманида Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми, 3 и.т. институти, 28 умумий таълим мактаби, 41 мактабгача тарбия ва 2 боғча-мактаб муассасаси, 5 мусиқа мактаби, 3 ихтисослашган мактаб-интернат, 5 касб-хунар коллежи, 2 лицей, бизнес мактаби бор. 9 касалхона, 30 поликлиника ва амбулатория муассасаси, 1 кон қуйиш ст-яси фаолият кўрсатади. Аҳолига 58 савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 176 улгуржи савдо корхонаси, 3 бозор, 361 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилади. 10 жамоат

кутубхонаси, 2 кинотеатр, 2 маданият саройи, 3 маданият уйи, дам олиш зонаси, 1 стадион, 46 спорт зали, 2 бассейн, 116 спорт майдончаси бор. Тумандаги 19-а.да қурилган Тошкент тиббиёт академияси биноси (илгариги кадет корпуси), Рим-католик черкови (Польша костели биноси, 1914— 17 й.лар) республика аҳамиятидаги меъморий ёдгорликлардир. Туман ҳудудида Франция, Туркия, Хитой, Индонезия, Украина, Япония давлатлари элчихоналари ва Корейс миллий маркази жойлашган.

Туман	Аҳолиси, минг киши (2009)	Аҳолиси, минг киши (2016)	2016 йил 1 январ ҳолатига майдони, га							Аҳоли зичлиги (киши/ км²)	Харитас и
			Жами	Шаҳар қурилиши остидаги майдон	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа, ва бошқа вазифадаги майдонлар	Табиат муҳофазасидаги, соғломлаштири ш, рекреация вазифасидаги майдонлар	Тарихий маданий вазифадаги майдон-лар	Сув фондига тегишли майдон- лари	Захира майдон- лар		
Яшнобод тумани	204.9	213,6	418.5	447	1 185	10	16	13	376	7 806	

1.1-расм. Яшнобод туманда ердан фойдаланиш ҳақида маълумотлар.

Бинонинг жойлашиш режаси



Лойihalанаётган объект

1.2-расм. Объект жойлашган жойнинг Спутникдан олинган суръати схемаси.

1.2. Объектнинг чегарадош ҳудудлари.

Объект Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кўчасида жойлашган. Мазкур таклиф этилаётган Ф.Х.Д.Ё ва Нотариал идора биноси дастлабки вазифаси аҳоли учун хизмат килади, уни замон талабларига мос равишда ишлаб чиқилди. Бино Яшнобод тумани Султонали Машхадий кучасида жойлаштириш кузда тутилган. Қурилиш майдонини 1-2 ва 3 қаватли турар-жой бинолари ураб олган бўлиб, турар-жой бинолари билан қурилиш майдони орасидаги масофа жорий меъёрларга мос равишда бўлиб, ҳудуд барча томонлардан маҳаллий йўлаклар ва ариқлар билан чегараланади.

Жанубий томондан 2 қаватли нотурар-жой комплекси ва бошқа томонлардан 1-2 қаватли турар-жой бинолари билан чегарадош бўлиб, биномизга қуёш тушиши ва оралиқ масофалар жорий нормалар талаблари бўйича сақланган. Лойиҳада ҳудудни шамоллатиш режимига алоҳида эътибор берилган бўлиб, жанубий-ғарбий, шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий ва жанубий – шарқий томонлардан очиқ ҳудуд мавжуд.

1.3. Атроф-муҳитни баҳолаш.

Иқлим. Тошкент шаҳри субтропик ва сезиларсиз-континентал иқлим зонаси чегарасида жойлашган. Йиллик ёғин миқдори 440 мм ни ташкил этиб, чўл ва ярим чўл зоналарига нисбатан, тоғларнинг яқинлиги ҳисобига бу миқдор анча катта ҳисобланади. Совуқ кунлар давомийлиги узок эмас, лекин баъзида ҳарорат -20°C дан ҳам пасайиши мумкин. Ёз ойларида ҳавонинг ҳарорати сояда 40°C дан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Қиш ойларидаги минимал ҳарорат -29.5°C (20 декабр, 1930 йил), ёз ойларидаги ҳавонинг максимал ҳарорати 44.6°C (18 июл 1997 йил).

Чилла деб аталувчи 40 кунлик шамолсиз ёз ойлари Тошкент шаҳри маданиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Баҳор ва куз фасллари эрта бошланади. Бу ҳолат йирик ташқи сув ҳавзаларининг йўқлиги билан, юқори ҳарорат ва совуқ бирданига юз бериши билан боғлиқдир.

- Йиллик ўртача ҳарорат — $+14,8\text{ }^{\circ}\text{C}$
- Йиллик ўртача шамолнинг тезлиги — $1,4\text{ м/с}$
- Йиллик ўртача ҳавонинг намлиги — 56%

Қуйидаги жадвалда Тошкент шаҳри иқлимининг баъзи кўрсаткичлари келтирилган.

Тошкентнинг иқлими													
Кўрсаткичлар	Июль	Авг.	Сентяб.	Октяб.	Нояб.	Дек.	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль
абсолют максимум, °С	42,2	47,0	52,5	56,4	59,9	63,0	64,6	63,1	59,8	53,5	41,1	27,3	14,6
таъриқ максимум, °С	26,8	30,4	35,2	42,0	47,5	53,4	55,7	54,7	49,3	41,8	24,9	8,8	-21,6
таъриқ ҳарорат, °С	1,9	3,9	9,4	15,5	20,5	25,8	27,8	26,2	20,6	13,9	8,5	3,5	-14,8
таъриқ минимум, °С	-1,5	0,0	4,8	9,8	13,8	18,0	19,7	18,0	12,9	7,8	-4,1	-10,0	-18,9
абсолют минимум, °С	-28	-25,6	-16,9	-6,3	-1,7	3,8	8,2	13,4	10,1	-11,2	-22,1	-29,5	-29,5
йил нормаси, мм	53	64	69	61	41	14	4	1	6	24	44	59	440

Лойиҳаланаётган объект ҳудудида – қурилиш майдонида грунт таркиби лессимон жинслардан иборат. Сизот сувларининг сатҳи 8-10 м.

Ҳудуд текис бўлиб, 1-2 ва 3 қаватли турар-жой биноларининг комплексида (жанубдан 2 қаватли нотурар-жой комплекси) жойлашган. Ҳудуд турар-жой ҳудуди ҳисобланиб, жануб томонга қараб сезиларсиз нишаблик мавжуд. Бу эса лойиаланаётган объект ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларида бизга қул келади. Инженерлик ободонлаштириш ишларида, ҳудудни вертикал режалаштиришда, ариқлар тизимини шакллантиришда, ҳудудан ташқи сувларни четлатишда бу омил муҳим ҳисобланади.

1.4. Экологик ҳолат.

Тошкент шаҳри қуруқ-иссиқ иқлимда жойлашганлигига қарамасдан деярли ярмини кўкаламзор ҳудулар ташкил этиб, ҳар – бир кишига ўртача 69 кв.м кўкаламзор ҳудудлар тўғри келади. Баъзида, айниқса ёзнинг иссиқ кунларида Тошкент шаҳрида ноқулай экологик вазият пайдо бўлади. Шаҳарда тутунли (ҳавонинг ифлосланишидан) ҳолат вужудга келади, бу пайтларда максимал кўриш узоқлиги 1.5-3.0 кмгача камаяди. Бу пайтларда шаҳардан яққол кўриниб турадиган Тянь-Шан тоғлари тизмалари кўринмасдан қолади ёки хиралашиб қолади.

Лойиҳаланаётган объектимиз Тошкент шаҳрининг марказий зонасида жойлашганлиги учун бундай вазиятлар мазкур ҳудудга ҳам даҳлдордир. Шунинг учун микроиқлимни яхшилаш учун барча чора-тадбирлар кўрилади.

Техноген таъсирлар.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ишлаб чиқариш корхоналари сони нисбатан кам (марказий туманлардан бири бўлганлиги учун) бўлиб, ҳудудда турар-жой, жамоат ва маъмурий вазифадаги бинолар кўпроқ жойлашган. Шунинг учун лойиҳаланаётган ҳудуда ортиқча зарарли газлар, баланд шовқин даражаси кузатилмайди.

Объект Тошкент шаҳрининг йирик кўчаларидан бири бўлган Мирзо Улугбек кўчасидан тахминан 100м ичкарида жойлашган. Мазкур кўча Тошкент шаҳар марказини шарқий йўналишдан келувчи транспорт воситалари учун хизмат қилади. Бу куча кичик халка йули билан туташиб кетади. Мтерополитен линиялари мазкур ҳудудда лойиҳаланмаган.

II. АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

2.1. Жамоат бинолари.

Жамоат бинолари турли вазифалар учун мўлжалланган бўлиб, инсонларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча талабларга жавоб бериши талаб этилади.

Ҳар қандай бинолар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- бино қайси жараёнга, мақсадга мўлжалланган бўлса, у шу жараён талабига тўлиқ жавоб бериш керак, яъни яшаш учун қулай, дам олишга мослаштирилган, меҳнат қилишга қулай қилинган бўлиши керак;
- техник томонидан ҳамма замовий талабларга жавоб бериши, яъни бино кишиларни ташқи таъсирлардан, паст ва юқори ҳароратдан, ёғингарчилик, шамол ва бошқалардан тўлиқ асраши, мустаҳкам ва устувор бўлиши, эксплуатация сифатларини узоқ йил давомида сақлаши лозим;
- бино кўриниши меъморчилик ва бадийлик талабларига мос ҳолда танланиши, унинг ташқи, экстрьер ва ички, интерер кўриниши чиройли, атроф-муҳит билан уйғунлашган бўлиши керак;
- иқтисодий жиҳатдан қулайлиги, бино ва иншоотлар қурилишида меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материаллар ва вақтни тежаш кўзда тутилади.

Қурилиш меъерлари ва қоидаларига кўра бинолар узоқ вақт ўз вазифасини бажариш 4 даражага бўлиниди:

1. Хизмат даври 100 йилдан ортиқ;
2. Хизмат даври 50 йилдан 100 йилгача;
3. Хизмат даври 20 йилдан 50 йилгача;
4. Хизмат даври 5 йилдан 20 йилгача мўлжалланган бинолар.

2.2. Ишдан мақсад – умумий маълумот.

Объект – Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кўчаси, худудида жойлашган “Ф.Х.Д.Ё ва Нотариал идора” учун лойиҳавий таклиф ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, иш юритишнинг ягона услубини жорий этиш, ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, иш унумдорлигини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳайъати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги [йўриқнома](#) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2006 йил 1 июндан амалга киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари:

барча ФХДЁ органларини ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) иш юритишни тўғри ташкил этилиши ва мазкур Йўриқнома талабларига қатъий риоя этишни;

жорий йилнинг май ойида мазкур Йўриқномани амалиётга татбиқ этиш юзасидан ФХДЁ органлари ходимлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳаракатларини амалга ошириш ваколати берилган шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) билан семинар машғулотларини ташкил этишни таъминласинлар.

3. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (П. Саматов):

2006 йил май ойида ушбу Йўриқнома қоидаларини қўллаш бўйича семинар ўтказишни ташкиллаштирасин;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритишни мунтазам равишда назорат қилиб боришни таъминласин.

4. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Н. Бурхонов) ушбу ҳайъат қарорини давлат рўйхатидан ўтказсин ва Ўзбекистон

Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) ушбу ҳайъат қарорини «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2000 йил 5 июндаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида

ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Оила [кодекси](#), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш [қоидалари](#)»га (бундан буён матнда «Қоидалар» деб юритилади), Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2005 йил 27 октябрдаги 34-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида (бундан буён матнда «ФХДЁ органлари» деб юритилади) иш юритиш тартибини белгилайди.

ФХДЁ органлари тизимини туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари, Никоҳ уйлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ФХДЁ архивлари

(бундан буён матнда «адлия бошқармаси ФХДЁ архиви деб юритилади) ташкил қилади.

2.3. Бинонинг уммий тавсифи.

Объект: Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кучасида жойлашган “Ф.Х.Д.Ё ва Нотариал идора” учун лойиҳавий таклиф.

Тошкент шаҳар сейсмик харитасидаги ўрни – 9 балл

Грунт турининг хоссаси – II

Қор қалинлигининг том ёпмасига берадиган оғирлик кучи – 50 кг/м^2

Шамол тезлигининг босими – 38 кг/м^2

Бинонинг фойдаланиш тури – масжид биноси

Бинонинг конструктив схемаси – аралаш конструкцияли

Бинонинг шакли ўлчами– тўғри тўртбурчакли $19,2 \times 24,2 \text{ м}$.

Бинонинг қаватлилиги – 1 қаватли.

Қаватлар баландлиги – 5.15 м.

1-қават – 3.30 м.

Бинонинг баландлиги, -0,0 сатҳдан - 9.15 м.

- пойдевор – лентасимон, темирбетонли;
- деворлар – ғиштли, қалинлиги 380 мм;
- пардеворлар – ғиштли қалинлиги 250 мм;

Темирбетон рама:

- - устунлар – монолит темирбетон, кундаланг кесими ўлчами $400 \times 400 \text{ мм}$;
- - ригеллар – монолит темирбетон, кундаланг кесими ўлчами $400 \times 400 \text{ мм}$;
- Ораёпма – темирбетонли кўп бушликли ораёпма плиталардан иборат, баландлиги – 220 мм, баъзи жойларда монолит участкалари мавжуд;
- Том ёпма – металл конструкциядан иборат, баландлиги – 2 м,
- Том қоплама –кўп нишабли, профнастилдан ишланади, атмосфера сувларини қочириш ташкил этилган;
- зина майдончаси – монолит темирбетон;
- отмостка – асфалтбетонли, эни 1,0 м, 3% ли нишабликка эга;
- иссиқлик таъминоти – индивидуал иситиш қозонига эга;
- шамоллатиш тизими – марказлаштирилган сплит системага эга;

- газ таъминоти – шаҳар газ таъминоти тизими бўйича;
- сув таъминоти – марказлаштирилган шаҳар тармоғидан;
- канализация – марказлаштирилган шаҳар тармоғига уланган;
- электр таъминоти– шаҳар электр тармоғидан, қаватли тақсимловчи шит.

2.4.Ҳажмий-режавий ечим учун вазифа.

Лойиҳалаштиришда замонавий масжид биноларига зарур бўлган барча зарурий функционал хоналар билан таъминланади.

Функционал хоналар ўзларига қуйиладиган барча техник талабларга, жорий нормаларга мос равишда замонавий тарзда лойиҳаланди..

Бинони лойиҳалаштиришда унга қуйиладиган асосий талаблар ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари” га мувофиқ тарзда амалга оширилиши зарур, бундан ташқари бино ёнғин талабларига, сейсмик талабларга ва бошқа техник талабларга мос равишда бўлиши керак.

2.5. Техник – иқтисодий кўрсаткичлар.

Жамоат биноларини ҳажмий режаси вазифасини иқтисодий техник баҳолаш бу қурилишга ажратилган капитал маблағларни, эффеқтини ва ҳаражатларини ўзида мужассамлаштиради. Алоҳида хоналарни режалаштиришда фойдали майдони ва умумий майдони муносабати катта аҳамиятга эга.

Режалаштиришнинг рационаллик коэффиценти:

$$K_1 = S_{\phi} / S_{\text{умум}};$$

Ҳажм коэффиценти:

$$K_1 = V_{\text{кур}} / S_{\text{умум}} ;$$

Бу ерда: S_{ϕ} - фойдали майдони;

$S_{\text{умум}}$ – умумий майдон;

$V_{\text{кур}}$ – қурилиш ҳажми;

Хоналарнинг умумий майдони қўшимча, ёрдамчи хоналар ва ёзги хоналар майдонининг умумий сони сифатида олдик.

Техник-иктисодий курсаткич

<i>№</i>	<i>Номланиши</i>	<i>у/б</i>	<i>Сони</i>
<i>1</i>	<i>Бино майдони</i>	<i>га</i>	
<i>2</i>	<i>Копламаси майдони</i>	<i>га</i>	
<i>3</i>	<i>Майсазор майдони</i>	<i>га</i>	
<i>4</i>	<i>Умумий майдони</i>	<i>га</i>	

2.6. Кўкаломзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари

Объект атрофини кўкаломзорлаштириш ва ободонлаштириш анча қулайликлар келтиради, ҳамда инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар бир турар-жой, жамоат биноси атрофида кўкаламзор ва кўркам ховлилар, шу билан барга кичик меъморий шаклларни барпо этиш кўзда тутилгади. Дам олиш жойлари ховлининг энг кўкаламзорлаштирилган қисмида жойлаштирилгани мақсадга мувофиқдир.

Бино олди ҳудудларида манзарали дарахтлар, буталар, гулзорлар экиш тавсия этилади. Буларнинг вазифаларида эстетик жиҳатдан манзарали кўриниш, тоза ҳаво чиқариш, шовқиндан ва қуёш радиациясидан ҳимояланишдир.

Бино ҳудудини ободонлаштириш, яъни транспорт ўтадиган йўллар, тротуарлар, автомобил тўхташ жойлари, бино атрофи тўшамаларининг қайта тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Йўлкалар 1.25-1.5м кенгликда бўлиб уларда брусчаткалар ётқизилиши чиройли манзарани беради. Автомобил қўйиш жойлари тўшама ва хўжалик майдончалари асфалт қилинади. Натижада биз кўкаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган ҳудудга эга бўламиз. Буларни барча турар-жой ва жамоат бинолари ҳудудига тавсия этилади.

Замонавий кўкаламзорлаштириш санъатининг фарқий жиҳати шундаки у инсоннинг кундалик ҳаётини, дам олишини, меҳнат қилиш фаолиятини яхшилашда яшил экинзорларни қўллаш, яшил экинзорни инсоният ҳаёти фаолияти соҳасига: завод ва фабрика ҳудудларида, корхоналарда, боғча ва мактаб биноларида турар-жой ва жамоат жойларида қўллашдан иборат. Шаҳарни кўкаламзорлаштиришда унинг атрофида кенг яшил экинларни ва тоза ҳаво аккумуляторининг яшил поясини ташкил этиш аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ташқи ободонлаштириш вазифаларидан бири турлилиқни ошириш ва очиқ кўкаламзорлаштирилган ерларнинг ҳамда қурилишларнинг бадий ифодаланишидир. Бу нарса функционал миҳит кўринишида очиқ майдонларнинг буюм жиҳозлари билан ҳал бўлди.

Шаҳарнинг архитектура жойлашиш муҳитининг ўзига ҳослиги, индивидуалиги, масштаб мослиги кўкаламзорлаштириш билан бирга ташқи ободонлаштиришнинг шундай воситалари билан таъминлайдики, булар ер сатҳини қайта ишлайди. Шаҳар дизайнининг ҳал қилувчи эстетик, функционал элементлари вазифалари-бу кичик архитектура шаклларидир.

Бу майдончалар санитария-гигиеник ҳолатга тўғри келибгина қолмай, эстетик жиҳатдан ҳам тўғри жиҳозланиши керак.

Йўловчилар ҳаракатнинг интенсивлигига қараб, микроҳудудларнинг кўкаламзорлаштирилган қисмларидаги йўлкаларнинг кенглиги қуйидагиларга қараб белгиланади: йил бўйи фойдаланиладиган транзит йўлкалар-3 м; транзит ва сайр учун мўлжалланган мавсумий йўлкалар-2,25-1,5 м; йил бўйи ва мавсумий фойдаланиладиган йўлкалар кенглиги-0,5-0,75 м бўлиши керак. Бу йўлкалар кенглиги бир хил, 1 киши ҳаракат қиладиган ҳажмда-0,75 м. бўлиши керак. Йўлкаларнинг четига ўриндиқлар қўйиш мўлжалланганда кенглиги 1,5 м. бўлишига руҳсат этилади. Кенглиги 0,5 м. бўлган йўлкаларга лойиҳада плитка қоплаш ётқизиши мўлжалланган бўлади.

Йўлка ва майдончаларнинг ер усти қопланиши вариантлари турлича бўлади. Лекин улар санитария-гигиеник меъёрга ва белгиланган функционал вазифаларига жавоб бериши керак.

Масалан, боғ ва ҳиёбонлардаги йўлкаларга декоратив шағал тошлар ётқизилади, чунки бу тошларнинг қалинлиги ҳисобига ички сув қувурлари йўналишида қияликлар ҳосил бўлиши мумкин. Яна бир хил вариантда яхлит цемент плиталари ётқизиши мумкин. Бундай қопламалар ўша ернинг ўзида бажарилади ёки керакли плиталардан ётқизилади. Катта бўлмаган йўлакларга шакли тўғри бўлган, қумга ётқизилган плиталар тўғри бўлади. Улар орасидаги тупроқ ётқизилган ерларга чим ётқизилса, бу кўркем тус беради. Боғларда катта ҳиёбонлардаги каби асфалт билан қоплаш тавсия этилмайди.

Кичик архитектура шакллари бу мавжуд манзарани аниқ кўрсатиши мумкин. Бундай кичик архитектура шакллари воситалари билан шаҳар кўчаларининг, магистралларнинг, микрорайон ҳудудларнинг кўркемлигига эришилади.

Кичик архитектура шакллари таркиби ягона мўлжалга мос келиши керак, шундагина у тарихий колоритнинг ўзига ҳослигини, табиий шароитини, маҳаллий миллий анъаналари ифода этиб, ўз мақсадларига жавоб беради.

Микрарайон ҳудудини ободонлаштиришда фойдаланиладиган кичик архитектура шакллари кўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Оммавий манфаат учун фойдаланиладиган кичик архитектура шакллари. Бу шундай иншоотларни, улар аҳоли томонидан амалий фойдаланишга мўлжалланиб, шаҳар жиҳозларининг элементи бўлиши билан бирга эстетик фаолият ҳам олиб бориши керак ўриндиқлар, чиқинди идишлари, кўрсаткичлари, микрарайон (зинапоялар, савдо шаҳобчалари, кўкламзорлаш, турини, уйларнинг рақамлари).

2. Декоратив ва сифатларга мўлжалланган кичик архитектура шакллари: бу иншоот, қурилмалар инсоннинг эстетик таъсири учун фойдаланилади (декоратив деворлар, бассейнлар, фавворалар). Бундай кичик архитектура шакллари жуда кўп, турда яратиш мумкин.

Мазкур ҳудуд турар-жой комплекси учун савдо-маиший комплексга эга бўлган замонавий маҳалла маркази бўлганлиги учун бу ерда яна автотранспортлар учун турар-жой, аҳолига келиб-кетиш қулайлигини оширувчи барча қулайликлар амалга оширилиши кўзда тутилади.

Шаҳар муҳитини соғломлаштиришда ва шаклланишида яшил экинзорларнинг аҳамияти

Турли катталиқдаги ва типдаги жойларни кўкаламзорлаштириш ярим функцияли бўлиб, у қанчалик кўп вазифаларни бажарса, унинг кўкаламзорлаштиришдаги роли аҳамиятлироқ бўлиб, бутун тизим янаям самарали ҳисобланади. Шаҳар кўкаламзорлаштириш тизимининг ҳар бир элементи қўйидаги асосий вазифаларни бажаради, шаҳарнинг бадиий - архитектуравий кўринишини шакллантиришда ва ташкил этишда иштирок этади. Аҳолини рекреацион талабларини таъминлайди, транспорт ва бошқа шовқинлардан ҳимоя қилади, чанг ва машиналардан чиқадиган газлардан

тозалайди, ҳавонинг намлик миқдорини меъёрида ушлаб туради, ҳамда экинзорларнинг узоқ муддат яшашига шароит яратиб беради.

Қуёш радиациясининг йиғиндис:

Тўғри қуёш радиациясидан (инсоляция) тарқоқ, осмоннинг ҳамма жойидан тушадиган қисқа тўлқинли радиация, юзаларда акс этадиган ва узун тўлқинли (иссиқлик) нурланишлари табиий ва сунъий юзаларни.

Агар қуёш радиацияси пайтида аллея, йўллар, майдонлар, муҳандислик ва архитектуравий иншоотлар, кичик архитектуравий шакллар ва бошқа объектларга тўғри қуёш нурларидан нурланиб қизиб кетса, қуёш ботгандан сўнг улар ўзидан узоқ муддатгача иссиқлик ажратиб туради, бу эса микроклиматга таъсир қилиб, атроф муҳитни қизиб кетишига олиб келади. Сунъий юзанинг 65 С гача қизишидан чиққан нурланиш 0.48 Кал - см² ни ташкил қилади. Бу тушаётган қуёш радиациясининг интенсивлигининг ярмига тенг. Йўл қопламаларининг иссиқлик узатиши жуда катта аҳамиятга эга. Шаҳар қурилаётган жойда ёзда ҳаво ҳарорати ўсимликлар бор жойдагидан юқорироқ бўлади.

Юзалардаги нурланган ва акс этган радиациянинг интенсивлиги ва унинг салбий таъсири тушаётган қуёш радиациясининг миқдори ва бу юзанинг “албедо”си билан аниқланади.

“Албедо” нинг (акс этган сонни олинганига бўлган муносабати) коэффиценти юзанинг акс этиш хусусиятини ҳарактерлайди. Юза қатлами қанчалик кучлироқ радиацион энергияни акс этса, у шунчалик камроқ қизийди ва унинг албедоси шунчалик юқори бўлади.

Баъзи юза қопламаларининг албедоси

№	Юза қопламаларнинг тури	Алbedo
1.	Майдаланган ғишт	2
2.	Майдаланган тош	2.5
3.	Йириктош	3
4.	Ўрта асфалт	4
5.	Ер	4.5
6.	Оқсилликланган мармар	5.5
7.	Гунука	6
8.	Сувоқ	8
9.	Бетон	8.5
10.	Қизил ғишт	10
11.	Кулранг гранит	11.5
12.	Сариқ қум	14.5
13.	Ғадир-будур оқ мармар	16

Бир хил материлларнинг албедоси уларнинг юзасини ишлов берилиш фатурасига ва унинг ҳолатига (намлиги, чанглиги ва емирилиш даражасига) боғлиқ.

Яшил экинзорлар микроиклимга таъсир кўйсата олади, ҳароратни пасайтириб, ҳаво ҳарораини тезлигини оширади, ёзнинг иссиқ кунларида инсон организми учун яхши таъсир ўтказади. Ўсимликлар биринчи навбатда радиацион режимга таъсир ўтказади. Тўғри тушаётган қуёш радиациясини интенасивлигини пасайтиради.

Ўсимликларнинг совутиш таъсири иссиқлик миқдорини кўп миқдорда буғлатиш учун сарфлашига ва ҳавонинг намлигини кўтарилиши билан боғлиқ. Барглларнинг ҳарорати атрофдаги ҳавонинг ҳароратидан паст бўлади. Ҳисоб - китоб бўйича 1 гектарга 198 та бук дарахти 23,6 млн барглари бўлиб, барглларнинг юзасининг умумий майдони 5,6 га, 790 та

арча 1 гектарда игнабарглари 4128 млн та бўлиб 12,8 га майдонни эгаллаган.

Ўсимликларнинг ҳар хил турлари қуёш нурларини ҳар хил акс эттириши, ютиши ва ўтказиши хусусиятига эга бўлиб, баргларнинг физиологик тузилишига, структурасига ва шох-шаббаларнинг катталигига боғлиқ. Ҳаво ҳароратини туширишида йирик барглари самарали натижа кўрсатадилар (каштан, йирик баргли липа, узун баргли клен, терак платан ва бошқалар). Баргларнинг жойлашиш зичлиги ва шох-шаббаларнинг шаклига қараб дарахт ва буталарда албедо 8-48% атрофида бўлади. Каттароқ албедоси бўлган дарахтлар иссиқлик энергиясидан кучлироқ ғимоя қилади ва уларни ишлатиш самаралироқ бўлади.

Дарахтнинг шох-шаббаларининг албедоси алоҳида олинган баргнинг албедосининг 12-15% камроқ бўлишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Барг қанчалик кичик бўлса, ўсимликнинг кронаси шунчалик камроқ иссиқлик энергиясини қайтаради. Асосан дарахтнинг тепа қисмлари қуёш иссиқлигига дучор бўлишини назарда тутиш зарур.

Дарахтда барглар баргли мозаика кўринишида жойлашади, бир - бирини тўсиб қўймайди. Агар барглар яхлит юзани ташкил қилса, сийрак жойлашган баргларга нисбатан қайтариш кўпаяди. Шох - шаббалар орасидаги очиқ қолган жойлар келаётган энергиянинг анча қисмини ютиб юборади. Дарахт ва буталарнинг барглари қуёш радиациясини кронанинг шаффофлиги ҳисобига ўтказади. Кронанинг шаффофлик коэффициенти крона остидаги тўғри қуёш радиациясининг интенсивлигини очиқ жойга тушаётган тўғри радиация оқимига бўлган муносабатидир.

**Дарахтнинг юза қисмидан ўтадиган ёруғлик энергиясининг
характеристикаси (фоиз ҳисобида)**

№	Дарахтлар	Дарахтнинг шаффофлик коэффициенти	Ютиш	Албедо
1.	Оққайин	6.5	55.5	38
2.	Сибир дўланаси	1	62	37
3.	Ёзги эман	8.5	41.2	50.5
4.	Каштан	10	38.2	51.5
5.	Учли баргли клён	6	44	50
6.	Ўрим липаси	5	72	23
7.	Ўрта олхўри	5	58	37
8.	Тоғ терак	9.5	29	61.5
9.	Манчжурия ёнғоғи	1	71	28
10.	Венгер настарини	5	63	32
11.	Балзамли терак	5.5	55	39.5
12.	Оддий шумут	2	78.5	19.5
13.	Сибир олмаси	10	36.5	53.5

Турли дарахт навларининг баргларида ушлаб қолган чангнинг миқдори

№	Ўсимликлар ва дарахтлар	Барг қобиғининг умумий майдони м2	Ушлаб қолган чангнинг умумий ҳисоби
1.	Айлант	208	24
2.	Оқ акация	86	4
3.	Қайрағоч	66	18

4.	Пахмоққайрағоч	223	23
5.	Гледичия	130	18
6.	Мажнунтол	157	38
7.	Дала клёни	171	20
8.	Канада тераги	267	34
9.	Тут дараhti	112	31
10.	Яшилшумтол	195	30
11.	Оддийшумтол	124	27
	Буталар		
12.	Сариқ акация	3	0.2
13.	Европа берешлети	13	0.6
14.	Оддий брyчина	3	0.3
15.	Қизилбурина	8	0.4
16.	Қисқабаргли лох	23	2
17.	Оддийнастарин	11	1.6
18.	Сперия	6	0.4
19.	Узум	3	0.1

Дарахт навларининг характеристикаси

№	Дарахт навлари	Дарахт баландлиги метрда	Дарахтнинг кенглиги метрда	Дарахт орқали ўтадиган куёш радиациясининг даражаси фоизда хисобида
1.	Эрон мелияси (конуссимон шаклли)	8.3	7.4-9.1	0.62
2.	Тошли эман	8	5-5.8	0.64
3.	Қора терак	16	3.1-3.7	0.66

	(пирамидал шаклли)			
4.	Оқ мажнунтол	10	8-9	2.53
5.	Шарқ платани	8.5	4.9-5.5	2.54
6.	Доимий яшил кипарис	8	3.2-3.8	3.15
7.	Оқ тут дарахти	9	7.2-8.6	3.80
8.	Япон лигиструми	6.5	4-5.2	11.88

Дарахт ва буталар ҳақида маълумотлар

№	Дарахт ва буталар	Баландлик м.	Тонанинг диаметри см.
1.	Катталикда: жока, эман, шумтол, тераклар, кипарислар, арчалар, тилоғоч, плананлар	20 вақўпроқ	10-15
2.	Катталикдаги: конский каштан дарахти, қораолха, заранг, магнолия	10-20	5-8
3.	Катталикдаги: зюбина, олма дарахти	5-10	3-5
4.	Катталикдаги: дўлана, ирга, татар заранги	2-5	1-3
	Буталар		
5.	Йирик: сариқ акация, шилвир, чубушник, настарин	4-6	2-5

6.	Ўрта: қизилча, оддий барбарис, атир гул, смородина, оқ дрен.	1-3	2-5
7.	Майда: даурлапчаткаси, магония, фунберга барбариси	0.1-1	1

Шовқиндан ҳимоя қилувчи яшил экинлар.

а) аралаш типдаги шовқиндан ҳимоя қилувчи экинлар намунаси.

б) транспорт шовқинидан ҳимоя қилувчи кўъҳага экиладиган экинлар намунаси:

- 1.Баланд бўйли баргли дарахтлар;
- 2.Ўта бўйли ва баланд бўйли игнабаргли дарахтлар;
- 3.Паст бўйли игнабаргли дарахтлар;
- 4.Баланд буталар;
- 5.Ўрта бўйли баргли дарахлар.

Транспорт шовқинини камайтириш транспорт магистралларини рационал транссировка ҳисобига, уларни аҳоли яшайдиган территориядан олиб чиқариш ва транспорт ҳаракатини тезлигини чеклаш билан эришилади.

Селитеб майдонларни шовқиндан ҳимоя қилиш учун максимал тарзда шаҳарни кўъаламзорлаштириш зарур.

Шовқин манбаи ва яшаш жойлари дам олиш участкалари орасида жойлашган яшил экинлар шовқин даражасини анча камайтириши мумкин. Ўйимлик шовқин манбаига яқинлашгани сари эффект кўъайиб боради. иккинчи гуруҳни ҳимоя қилинаётган объектга яқинроқ жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Овоз тўъқинлари дарахтларнинг барглари, игнабарглари, шохлари ва таналарига урилиб сочилади, акс этади ёки ютилади. Баргли дарахларнинг кронаси уларга келадиган 25% овоз энергиясини ютиб юборади.

Ўсимликлар билан шовқиннинг камайиши уларнинг конструкциясига, ёшига экинларнинг ва кронанинг зичлигига, шовқиннинг спектрал таркибига, об-ҳаво шароитига боғйиқ.

Турли ёш даврларда ўйимлик гуруҳларининг ташқи кўйиниши динамикасини ривожлантиниши.

а) биринчи босқич. Дарахтларнинг ёши 10 йил.

Ўалин экинларнинг яратилиши (1гага 1500 та дарахт) дарахт навларини ривожланишини тезлаштириш мақсадида.

Б - иккинчи босқич. Гуруҳнинг 20 -йилдан кейинги кўйиниши.

Чириган дарахтларнинг аста-секин олиб ташланиши натижасида 50-60 % қолган Чириган дарахтларнинг аста-секин олиб ташланиши натижасида 50-60 % қолган яхши шароит яратилди;

В - учинчи босқич гуруҳнинг 50 йилдан кейинги кўйиниши.

Дарахт навларида индивидуал хусусиятларни намоён бўйиши. Гуруҳдаги дарахтларнинг сони ўйланганига мос (1-оққайин, 2-арча, 3-заранг, 4-мажнутол).

Г - тўйтинчи босқич.

Гуруҳни ташкил этадиган асосий баргли навлар энг юқори баландликка етган.


Арчанинг ўйиши давом этапти.

Д- бешинчи босқич.

Гуруҳнинг 120-йилдан кейинги кўйиниши. Манзарали кўйинишини йўйотган дарахтларни олиб ташлагандан сўйг ёруғйикни яхши кўйадиган ўйимликларнинг периметрал шаклланиши. Арчаа биринчи ўйинда туради.

Е - олтинчи босқич. гуруҳнинг 150-йилдан кейинги кўйиниши. Декоратив хусусиятларни гуруҳдаги шаклланган оқ қайин беради, бу вақтда уларнинг кронаси эгилган шаклни олган

бўйади.



III. КОНСТРУКТИВ- ХИСОБ ҚИСМИ.

3.1. Бинонинг конструктив тавсифи.

Объект: Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани, Султонали Машхадий кучасида жойлашган “Ф.Х.Д.Ё ва Нотариал идора” учун лойиҳавий таклиф.

Тошкент шаҳар сейсмик харитасидаги ўрни – 9 балл

Грунт турининг хоссаси – II

Қор қалинлигининг том ёпмасига берадиган оғирлик кучи – 50 кг/м^2

Шамол тезлигининг босими – 38 кг/м^2

Бинонинг фойдаланиш тури – масжид биноси

Бинонинг конструктив схемаси – аралаш конструкцияли

Бинонинг шакли ўлчами– тўғри тўртбурчакли $19,2 \times 24,2 \text{ м}$.

Бинонинг қаватлилиги – 1 қаватли.

Қаватлар баландлиги – 5.15 м.

1-қават – 3.30 м.

Бинонинг баландлиги, -0,0 сатҳдан - 9.15 м.

- пойдевор – лентасимон, темирбетонли;
- деворлар – ғиштли, қалинлиги 380 мм;
- пардеворлар – ғиштли қалинлиги 250 мм;

Темирбетон рама:

- - устунлар – монолит темирбетон, кундаланг кесими ўлчами $400 \times 400 \text{ мм}$;
- - ригеллар – монолит темирбетон, кундаланг кесими ўлчами $400 \times 400 \text{ мм}$;
- Ораёпма – темирбетонли кўп бушликли ораёпма плиталардан иборат, баландлиги – 220 мм, баъзи жойларда монолит участкалари мавжуд;
- Том ёпма – металл конструкциядан иборат, баландлиги – 2 м,
- Том қоплама –куп нишабли, профнастилдан ишланади, атмосфера сувларини қочириш ташкил этилган;
- зина майдончаси – монолит темирбетон;
- отмостка – асфалтбетонли, эни 1,0 м, 3% ли нишабликка эга;
- иссиқлик таъминоти – индивидуал иситиш қозонига эга;

- шамоллатиш тизими – марказлаштирилган сплит системага эга;
- газ таъминоти – шаҳар газ таъминоти тизими бўйича;
- сув таъминоти – марказлаштирилган шаҳар тармоғидан;
- канализация – марказлаштирилган шаҳар тармоғига уланган;
- электр таъминоти– шаҳар электр тармоғидан, қаватли тақсимловчи шит.

3.2. Лойиҳалаланаётган бинони пойдевор ҳисоби

Марказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворларни ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

1. Пойдеворнинг юзаси топилади, шунга асосан пойдеворнинг юза ўлчамлари аниқланади.
2. Пойдевор айрим қисмларининг ўлчамлари ва ишчи арматуранинг кесим юзаси аниқланади.

Пойдевор заминини ҳисоблашда пойдеворнинг бикрлигини чексиз деб, пойдеворнинг юзасини аниқлаймиз.

$$A_{\text{нол}} = a \times b = \frac{N_{\text{сер}}}{R_0 - \gamma_m \cdot d}$$

Бу ерда $a = b$ - пойдевор юзасининг томонлари;

$$N_{\text{сер}} = \frac{N_T}{1.15} = 2746.85 \text{ кН} - \text{меъёрий юк}$$

R_0 - заминнинг шартли ҳисобий қаршилиги, $\gamma_m = 20 \frac{\text{кН}}{\text{м}^3}$, пойдевор ва тупроқ оғирлигидан тушаётган ўртача юк, d - пойдевор ўрнатилиш чуқурлиги.

Пойдеворнинг юзасини топамиз.

$$A_{\text{нол}} = \frac{N_{\text{сер}}}{R_0 - \gamma_m \cdot d} = \frac{2746.85 \cdot 10^3}{0.3 \cdot 10^6 - (20 \cdot 0.9)10^3} = 9.74 \text{ м}^2$$

Тўғри тўртбурчак пойдеворнинг режадаги ўлчамларини аниқлаймиз.

$$a = \sqrt{A} = \sqrt{9.74} = 3.12 \text{ м}$$

Пойдеворнинг юза ўлчамларини $3.3 \times 3.3 \text{ м}$ $A_{\text{нол}} = 10.89 \text{ м}^2$

Пойдеворнинг энг кичик баландлигини ҳисоблаймиз.

$$h_0 = \frac{h_y + b_y}{4} + \frac{1}{2} \sqrt{\frac{N_T}{\gamma_{b2} \cdot R_{bt} + \rho}} = \frac{40 + 40}{4} + \frac{1}{2} \sqrt{\frac{3158.88 \cdot 10^3}{0.9(100) + 290.07}} = 65.58 \text{ см}$$

буерда $\rho = \frac{N_T}{A_{\text{арм}}} = \frac{3158.888}{10.89} = 290.07 \text{ кН/м}^2$, ҳисобий юкдан ҳосил бўлган пойдевор заминидаги кучланиш.

Пойдевор энг кичик тўлиқ баландлигини аниқлаймиз.

$$H = h_0 + a = 65.58 + 5 = 70.58 \text{ см}$$

$a = 5 \text{ см}$ бетоннинг ҳимоя қатлами (тайёрланган грунт учун), агар грунт прессланиб тайёрланмаган бўлса $a = 7 \text{ см}$ олинади.

Пойдевор баландлигини устуннинг ишчи арматурасини пойдеворга боғланишининг лойиҳавий шартига асосан ҳисоблаймиз.

$$H = h + 20 \text{ см} = 75 + 20 = 95 \text{ см}$$

$$h = 30d_s = 30 \cdot 2,8 = 75 \text{ см}$$

Пойдеворнинг баландлигини $H = 100 \text{ см}$ қабул қиламиз, поғоналар сони 3 та. Поғоналар сонини шундай танлаймизки, бунда бетоннинг ўзи қиякесимда кўндаланг арматурасиз кўндаланг кучга бардош бераолиши керак.

Пойдевор поғонасининг III-IV кесими бўйича кўндаланг куч таъсир этганда мустаҳкамликка текширамыз, бунда қуйидаги шарт бажарилиши керак.

$$P \cdot l \leq 2h_{01} \sqrt{\varphi_{b2} \cdot R_{bt} \cdot \rho \cdot \gamma_{b2}} = 290.07 \cdot 0.45 = 130.53$$

$$< 2 \cdot 0.25 \sqrt{2 \cdot 0.9(10^3) \cdot 290.07 \cdot 0.9} = 342.75 \text{ кН/м}$$

$$\text{буерда } l = 0,5(a - h_y - 2h_0) = 0.5(3.3 - 0.4 - 2 \cdot 1) = 0,45 \text{ м},$$

$h_{01} = 40 - 5 = 35 \text{ см}$ поғонанинг ишчи баланлиги, $h_0 = 100 - 5 = 95 \text{ см}$ пойдеворнинг ишчи баланлиги.

Юқоридаги шарт бажарилди, поғонанинг баландлиги етарли экан.

Пойдеворнинг иккинчи ва учинчи поғоналарини шундай қабул қиламизки, уларнинг қирралари устуннинг қиррасидан ўтказилган 45° ўтказилган текислик билан чегараланган.

$$F \leq \gamma_{b2} \cdot R_{bt} \cdot h_0 \cdot II_m$$

буерда:

$$F = N_T - A_0 \cdot \rho = 3158888 - 52900 \cdot 29,007 = 1624,418 \text{ кН},$$

$$A_0 = (h_y + 2 \cdot h_0)^2 = (40 + 2 \cdot 95)^2 = 52900 \text{ см}^2,$$

I_m - эзилаётган пирамиданинг устки ва пастки асосларининг ўртача арифметик қиймати, пойдевор ишчи баландлиги h_0 чегарасида.

$$I_m = 2(h_y + b_y + 2 \cdot h_0)$$

ёкиагар $h_y = b_y$ бўлса

$$I_m = 4(h_y + h_0) = 4(40 + 95) = 540 \text{ см}$$

$$F = 1879,679 \text{ кН} < 0,9 \cdot 0,9(100) \cdot 95 \cdot 540 = 4155,3 \text{ кН}$$

Шарт бажарилди, яъни юқори поғоналар пастки поғоналарни эзиб юбориши кузатилмайди.

Пойдеворнинг тагқисмини арматуралаш учун I-I ва II-II кесим юзалар бўйича эзилишга ҳисоблаймиз.

Бу кесимлардаги эгувчи моментнинг қийматини қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз.

$$M_{I-I} = 0,125 \rho (a - h_y)^2 \cdot b = 0,125 \cdot 290,07 (3,3 - 0,4)^2 \cdot 3,3 = 1006,289 \text{ кНм}$$

$$M_{II-II} = 0,125 \rho (a - a_1)^2 \cdot b = 0,125 \cdot 290,07 (3,3 - 2,33)^2 \cdot 3,3 = 117,84 \text{ кНм}$$

Ишчи арматуранинг кесим юзасини топамиз.

$$A_{s1} = \frac{M_1}{0,9 \cdot h_0 \cdot R_s} = \frac{1006,289 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 85 \cdot 365 \cdot (100)} = 36,04 \text{ см}^2$$

$$A_{s2} = \frac{M_2}{0,9 \cdot h_{01} \cdot R_s} = \frac{117,84 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 35 \cdot 365 \cdot (100)} = 10,25 \text{ см}^2$$

Пойдеворнинг тагқисмига натижага қараб Ø 16 ммли синфи А-III бўлган 16 дона арматура қабулқиламиз. (1 томонига) Умумий кесим юзаси 14 Ø32 А-III

$$A_s = 49,248 \text{ см}^2 \text{ Арматуралар орасидаги масофа } S=200 \text{ мм.}$$

Пойдевор кесим юзасининг арматуралаш коэффициентини аниқлаймиз.

$$\mu = \frac{A_s}{a_1 \cdot h_0^{норм}} \cdot 100\% = \frac{49,248}{160 \cdot 20} \cdot 100\% = 1,54\%$$

V. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚИСМИ.

5.1. Замонавий қурилишларда меҳнат муҳофазасининг ўрни.

Қурилиш саноатига илмий – техника таррақиётининг тез суръатлари билан кириб келиши, қурувчиларимизни оғир қўл меҳнатидан озод қилиш билан бир қаторда, уларнинг иш шароитларини яхшилашга, бахтсиз ҳодисаларни камайишига, қолаверса иш самарадорлигини ошишига тўла имкон беради. Аммо бундай ривожланишга чуқур билимсизва оз техникасиз эришиб бўлмагани каби, ҳар қандай янги техника ва унинг ишлатилиши билан боғлиқ тартибот жараёнини ҳам хавф-хатарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан бизнинг давлатимизда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат жараёнида соғлиқни сақлаш, яъни касбий касалликлар ва тасодифий жароҳатланиш каби бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш давлат назорати остига олинган Мустақил Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши 8-декабр 1992-йил XIII чақириқ X сессеясида тасдиқлинган янги Бош Қомусда Ўзбекистон фуқароларига ўзларига маъқул ва жамиятга фойдали бўлган меҳнат билан шуғулланиш, ҳунар ўрганиш, илм олиш, ижод қилиш, дам олиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, давалониш ва бошқа ҳуқуқлар кафолатлангандур.

Республикамиз қонунларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодексидир”. Бунда меҳнат муҳофазасига таалукли барча масалалар қонун асосида тасдиқланган. Бу қонун кенг қамровли бўлиб, ўз таркибида жамоа ва шахсий меҳнат шартномаларини тузиш (35-56 ва 77-113 моддалар), меҳнат қилиш ва дам олиш вақтлари (114-125 ва 126-152 моддалар), иш ҳаққи ва тўлов қоидалари (153-164 моддалар), меҳнат интизоми ва уни муҳофазаси (174-184 ва 221-223 моддалар), меҳнаткашларнинг ижтимоий суғурта таъминоти (282-294 моддалар) ва бошқа шулар каби инсон ҳаётини осойишталигини ва хавфсизлигини таъминловчи тартиб ва қоидаларни ўзида мужассамлаштиргандир. 1996-йил 1-апрелидан буён амалда қўлланилиб келинаётган яна бир қонун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидир. Бунда меҳнаткашларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий жавобгарлик жазо чоралари тайинланган. Бу қонунлар меҳнаткашларимизни иш жараёнида хавфсизликларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини

санитария ва хавфсизлик талабларига жавоб бера оладиган савияда таъминланишинг назорат қилишга хизмат қилади.

Шу боисдан қурилиш ташкилотларининг маъмурияти хавф-хатарсиз иш шароитини таъминлай оладиган замонавий техника воситаларини, илғор қурилиш услубларини жорий қилиш масъулидир. Бунинг учун белгиланган тартибда маблағ ажратилади ва у айнан меҳнат хавфсизлигини таъминловчи чора-тадбирларни ўтказиш учунгина сарфланмоғи керак.

5.2. Қурилишда меҳнат санитария ва гигиенаси.

Ҳар қандай жисмоний меҳнат шароитида қурилишдаги меҳнат муҳитининг одам организмига салбий таъсири бўлади, чунки мушакларнинг куч таъсирида узайиб қисқариши кўп маротаба такрорланиши эвазига марказий нерв толаларида зўриқиш ҳосил бўлади. Шу сабабли, ишчиларнинг хавфсизлигини таъминланмаган шароитда ишлаши марказий нерв тизимини тезда толиқишига ва бутун вужудини чарчашига олиб келади. Бунинг натижасида одамнинг сезувчанлиги ва ишлиш қобилияти кескин пасайиб боради.

Зарарли меҳнат шароитининг сурункали таъсиридан киши саломатлиги секин-аста ёмонлашиб бораверади, (Кўриш ва эшитиш қобилиятининг пасайиши, титроқ касали, руҳий толиқиши ва ҳ.зо). Бунинг натижасида одамнинг ижобий меҳнат қилиши қобилияти қисман ёки буткул ёқолиб боради. Бу ҳол касб касаллиги деб юритилади. Ишчиларнинг соғлиғига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига меҳнат шароити, иқлим шароити, иш жойидаги зарарли шовқин ва тебранишлар, ёруғликнинг етишмаслиги, зарарли чанг ва газларнинг меъёрдан ошиб кетганлиги ва бошқалар киради. Буларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини белгилиш билан ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси фани шуғулланади.

Унинг асосий вазифалари юқорида санаб ўтилган омилларнинг киши организмига қандай таъсир кўрсатиши ва унинг оқибатини ўрганиш билан бир қаторда унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва зарарли омилларни руҳсат этилган безарар мезъорини белгилаб беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, қурилишда ишлаб чиқариш санитарияси тозаллик ва озодалик бўйича тадбирлар мажмуасини тузишдан иборат бўлиб, мақсадли ишлаб чиқариш корхоналарида соғлом меҳнат шароитларини яратишдир.

Қурувчиликни ўзига хос жihatлари, яъни иш жойининг доим ўзгариб туриши, очиқ хавода бўлиши, бир нечта иш жараёнларини бажара олиши ва бошқалар иш жойида мўтадил иқлим шароитини яратишга имкон бермайди. Шу сабабдан, саломатлик ва озодалик қоидалари қурувчилар учун иш жойларида ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш борасида махсус услубий йўлларни излашни тақазо этади.

Меҳнат жараёнида турли вазиятда одамга ҳар хил салбий омиллар таъсир қилади. Буларни ишлаб чиқаришдаги салбий омиллар деб юритилади ва буларнинг инсонга узоқ таъсири натижасида пайдо бўлган хасталикларни эса, касб касаллиги деб аталади.

Барча зарарли омилларни одамга таъсир хусусиятларига қараб тўртта йириклашган гуруҳларга тоифалаш мумкин, яъни жисмоний, кимёвий биологик ва психофизиологик.

Жисмоний зарарли омилларга зарарли газлар ва чанг моддалари, шовқин ва тебранишлар, ҳамда қоникарсиз иқлим ва ёруғлик шароитлари киради.

Кимёвий зарарли омилларга эса захарланиш ҳолларини чиқарувчилар киради.

Биологик зарарли омилларга инсон танасига микроблар орқали таъсир қилувчилар киради.

Психофизиологик зарарли омилларга эса ишчининг рухияти ва шахсиятига салбий таъсир кўрсатувчилар киради.

5.3. Қурилиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги.

Ҳар бир қурилиш майдонида иш бошлашдан 3 ой олдин буюртмачи томонидан бош пудрат ташкилотига барча қурилиш лойиҳалари тўлиқ ишланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бу лойиҳалар таркибида уларнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари бўлмоғи шарт ва уларда

хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ҳолда тўлиқ ақс эгтирилган бўлиши зарур.

Меҳнатни муҳофаза қилишда зарур бўлган чора тадбирлар лойиҳалаш даврида икки босқичда ҳал этилади: биринчи босқич лойиҳалаш даврида қурилишни ташкил қилиш (ҚТҚ) лойиҳасини тузиш, яъни қурилишдаги ялпи ишлар кетма-кетлигини ва умумий хавфсизликни таъминловчи тадбирлардан иборат бўлса, иккинчи босқич қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлай оладиган ишни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)ни тузишдан иборатдир. Ушбу лойиҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари таркибан ва мазмунан мукамал ечимга эга бўлиши ва қўлланма асосида тузилиб қурувчиларга юқорида кўрсатилган муддат ичида тақдим этилиши зарур. Чунки қурилиш мазъерлари ва қоидалари (ҚМК 3.01.02-00) кўрсатмаларига биноан ҳар қандай қурилиш ва таъмирлаш ишларини бундай лойиҳаларсиз олиб бориш қатъиян ман этилади.

Меҳнат хавфсизлиги масалалари дастлаб лойиҳани тузувчи ташкилот томонидан қурилишни ташкил лойиҳасида, бош пудратчи ташкилот томонидан эса ишни ташкил қилиш лойиҳаларда ақс эгтирилади. Бу лойиҳаларда кўриладиган жами масалалар учта, яъни умумайдон хавфсизлиги, тартибот жараёнидаги хавфсизлик ва махсус масалалардир. Умумайдон масалаларни қурилиш бош рэжасида кўрилиб, майдонни танлаш, текислаш, сатхини белгилаш ва девор билан тўсиш, одамлар ва машина-механизмлар учун кириш ва чиқиш йўлларини белгилаш, ишчилар ва раҳбар муҳандислар учун зарур бўлган барча ёрдамчи иншоотларни, яъни ечиниш кийиниш, овқатланиш ва ювиниш хоналари санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилади, вақтинчалик фойдаланиш учун электр тармоғи, иссиқ сув ва совуқ сув тармоғи, ҳамда оқава сув узатгич тармоқлари, алоқа ва радио тармоқлари каби иншоотларни аниқ ҳисоблар асосида тўғри жойлаштиришни ўз ичига олади. Қурилиш жараёнини ифодаловчи иккинчи масала тартибот ва меҳнат жараёнини ҳариталари, унда ишчининг саломатлигини ҳимоя қилиш борасида аниқ ҳисобларга асосланган ва маҳаллий иш

шароитларини инобатга олган мухандислик мулоҳазалари ўзини ягона ва аниқ ечимини топган бўлиши лозим.

Ниҳоят учинчи махсус масалалар туркумини ҳал этишдан иборат бўлиб, маҳаллий ер, иқлим ва атроф-муҳитни экологик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ишловчилар ва атроф-муҳит учун хавф хатар манбаларни бартараф қилинишига қаратилган бўлади. Яъни қурилиш майдонидаги ер ости, устидаги электр, телефон, радио ва сув тармоқларини маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда кўчириш назарда тутилади. Қурилишни энергетик, меҳнатни рэжалаш ва маош бўлимлари ходимлари, меҳнат хавфсизлиги бўйича катта мутахассислар ва бошқалар иштирок этадилар.

Меҳнат хавфсизлиги бўлимининг катта мутахассиси бош мухандис ёрдамчи сифатида ушбу лойиҳаларда кўрилатган хавфсизлик масалаларини аниқ ва мукамал ҳал этилишини назорат қилиш ва тасдиқлаш ҳуқуқи эгадир. Шундай қилиб лойиҳа мутахассислар томонидан кўриб чиқиб маъқуллангандан кейин хавфсизликни таъминлаш борасидаги лойиҳалар қурилиш бош мухандисига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Тасдиқланган қурилишни ташкил қилиш ва ишни бажариш лойиҳалари мўлжалланган навбатдаги қурилиш билан танишиш ва уни ўрганиш учун бош пудрат ташкилотининг қурувчи мухандисларига ушбу майдонда иш бошлашдан камида икки ой олдин тақдим этилади.

5.4. Қурилишда ёнғин хавфсизлиги.

Аҳоли турар жойлар ҳудудий бош тарҳини лойиҳалашда, санитария ва ёнғин хавфсизлиги муаммолари, иқтисодий муттаносиблик билан биргаликда ечилиши лозим, яъни одамларни ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш билан баробар, бир қаторда қуйидаги тадбирларни бажарилиши шарт ҳисобланади, жумладан: аҳоли турар жойлари ҳудудини саноат корхоналари чегарасидан санитария ҳимоя масофаси билан муҳофазалаш; турар жой бинолари ва жамоат бинолари ўртасидаг рухсат этилган санитария ва ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича минимал ҳимоя воситасини таъминлаш; ўт ўчириш механизмларини ўз вақтида ишлашлиги учун сув хавзалари ёки гиндрат қудуқларига яқин ёндаша олишини таъминлаш; ўт

ўчириш дэпосини жойлаштиришда уларни ёнғинни ўчириш пайтида ҳар бир бино ва иншоотга бора олиш имконини берувчи йўллар билан таъминлаш ва бошқалар. Қурилиш меъёрлари саноат корхоналарини аҳоли яшайдиган ҳудудларда жойлаштиришни тақиқлайди. Аҳоли яшайдиган ҳар қандай қишлоқ ва шаҳар ҳудуди чегарасида зарарли чиқиндилар чиқарувчи ёки ёниш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш ман этилади. Саноат корхоналарининг ҳудудий чегарасидан то турар жой ва жамоат биноларигача бўлган оралиқ масофани корхоналарнинг хавфлилик синфига биноан санитария қоидалари ва меъёрлари белгилайди.

Ишлаб чиқариш базалари ва уларга тегишли омборхоналар аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлаштирилади. Нефть маҳсулотлари сақланадиган базалар дарё, анҳор ва зовурларни ҳудуд чегарасидан чиқиш жойларидаги қирғоқидан анча паст бўлган чуқурликларда жойлаштириш лозим, токи авария ҳолатида нефть маҳсулотлари дарё ўзанига оқиб тушмасин.

Замонавий шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган маҳаллаю даҳалардаги кўп қаватли биноларнинг орасидаги санитария оралиқ масофалари, ёнғин хавфсизлиги меъёри талаб қиладиган ёнғинга қарши узилиш масофасидан бир неча марта катта бўлиши сабабли иккала меъёр талабларини қондира олади.

Турар жой массивларида бино ва иншоотлар орасидаги масофа ёнғин хавфсизлиги ва инсолятция талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Лойихалаш жараёнида иккаласи учун ҳам ҳисобланади ва уларнинг энг каттаси қабул қилинади.

Бинолардаги дераза орқали ёритиладиган хоналарнинг кунига 3 соатлик инсолятцияланиш шартига биноан, бино ва иншоотлар орасидаги масофа дераза қаршисидаги иншоотнинг баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

Ёнғинга қарши оралиқ масофа ёнғин пайтида ўт ўчириш ускуналари ишга тушириш имконини берувчи вақт оралиғида, ёнаётган бинодан чиваётган иссиқлик нурлари таъсирида атрофдаги биноларда ёнғин содир бўлмаслигини таъминлай оладиган бўлиши лозим.

Афсуски, шаҳарларимиз маҳаллаларида аҳолининг хусусий уйларини қуриш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари кўплаб учрайди. Яъни хусусий уйлар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган ҳолда, ёнғинга қарши оралиқ чекланишларсиз бир-бирига тақаб қурилади. Бунинг оқибатида бир хонадонда содир бўлган ёнғиндан бир нечта қўшни хонадонлар талафот кўриши мумкин, чунки хусусий уйларда юк кўтарувчи тўсин ва устунлар ҳамда нақшинкор пардозловчи ашё сифатида асосан ёғоч ишлатилади. Бундай ноҳуш воқеаларни олдини олиш учун уйлар орасидв ёнғинга қарши оралиқ масофани икки қаватгача бўлган биноларда 9м.дан 3-5қаватли бўлганда 12-15м.дан кам бўлмаган миқдорда мэъёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ ва шаҳар ҳудудига яқин жойлашган сунъий ва табиий сув ҳавзалари (анҳорлар) қирғоғида ўт ўчириш машиналарини сув олиши учун бетон йўлкалар қурилиши керак бўлади.

ХУЛОСА

ХУЛОСА

Мазкур битирув малакавий ишда бугунги кунда долзарб бўлган, Республикамиз Президентининг шахсий ташаббуслари асосида бутун республикамиз миқёсида амалга оширилаётган маҳаллаларни обод қилиш дастури бўйича Тошкент шахрининг Яшнобод тумани, Султонали машҳадий кўчаси, худудида жойлашган “Ф.Х.Д.Ё ва Нотариал идора” учун лойиҳавий таклиф ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Комплекс аҳолига хизмат кўрсатувчи барча замонавий талаблар бўйича хоналар билан таъминланди.

Бинони лойиҳалашда албатта худуднинг зилзилавий кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда конструктив ечим танланди. Бино конструкцияси мустаҳкамлик, бикрлик, устиворлик ва зилзилабвртошлик талабларига жавоб берадиган ҳолда, бундан ташқари, иссиқлик ўтказувчанлик, товуш ўтказувчанлик, намликдан ҳимоялаш каби талабларга жавоб берадиган қилиб лойиҳаланди.

Юк кутарувчи каркас сифатида металл конструкция қулланилди. Улар пишиқ ғиштлар билан тўлдирилди. Бунда махсус арматура сеткаларидан фойдаланилди. Ораёпма ва том ёпмалар сифатида металл конструкциялардан фойдаланилди. Пардоз ишлари сифатида замонавий пардозлаш материалларидан фойдаланилди. Бино барча замонавий турдаги инженерлик жиҳозлари билан таъминланди.

Булардан ташқари албатта, бино атрофи худудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Натижада масжид биноси мустаҳкам, зилзилабардош бўлди ва бинонинг умумий кўриниши замонавий шаҳарсозлик нормаларига ва бино атроф-худуди мос равишда кўкаламзорлаштирилди ва ободонлаштирилди.

Мазкур лойиҳавий таклиф республикамизда маҳаллаларни қайта қуриш ва ободонлаштириш дастурига мос равишда бажарилган бўлиб, у реал буюртма асосида мазкур худуд учун лойиҳаланди.

АДАБИЁТЛАР

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016й. 486-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8-ноябрдаги ПК-3379-сон “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
4. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари”. Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 2011 й.
5. ҚМҚ 2.01.01-94 Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик геологик маълумотлар. Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 1994 й.
6. ҚМҚ 2.01.03-96. Зилзилавий ҳудудларда қурилиш. Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 1996 й.
7. ҚМҚ 3.01.02-00. Қурилишда Хавфсизлик техникаси. Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 2000 й.
8. ҚМҚ 2.01.07-97 “Юқлар ва таъсирлар” Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 1997 й.
9. ҚМҚ 3.02.01-97 Тупроқ, иншоотлар, замин ва пойдеворлар. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш кўмитаси, Тошкент, 1998 й. – 234 бет.
10. ҚМҚ 2.02.01-98 “Бино ва иншоотлар заминлари”. Ўздавархитекқурилиш кумитаси, Тошкент, 1998 й.
11. В.А.Бутягин. “Планировка и благоустройства городов“. М. Стройздат
12. Сборник единичных расценок на ремонтно- строительные работы для Республики Узбекистан. Част I,II,III.Ташкент 1974 г.
13. Л.Т. Осипов “Гражданские и промышленные здания”. Москва “Высшая школа”. 1987 й.

14. Т.Г. Маклакова, С.М. Нанасов, Е.Д. Бородай, В.П. Житков “Конструкции гражданских зданий”. Москва “Стройиздат”1986.
15. Л.И. Абрамов, Э.А. Манаенкова “Организация и планирование строительного производства”. Москва. “Стройиздат”. 1990г.
16. А.П. Мандриков «Примеры расчета железобетонных конструкций» Москва, «Строй издат» .1989 г.
17. О.О.Литвтинова, Ю.И.Белжкова «Технология строительного производства», «Высшая школа». 1985 г.
18. Линович А.В. «Расчет и конструирование частей гражданских зданий» М. 1990 г.
19. Д.Б.Джонсон «Autocad и Autocad LT». Москва. 2006г.
20. www.Википедия
21. www.bitec.uz
22. Любарский А.Д «Технология и организация строительного производства», «Охрана труда» М Высшая школа 1991 г.
23. Х. Azimov «Qurilishda mehnat havfsizligi». O`quv qo`llanma, I qism. Toshkent, «FAN» 1997y.
24. Х. Azimov «Qurilishda mehnat havfsizligi». O`quv qo`llanma, II qism. Toshkent, «FAN» 2003y.

Илова

А 1 форматдаги чизмалар ош

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА (ИШИ) РАҲБАРИНИНГ ШАХСИЙ ХУЛОСАСИ

1. Курилишни бошқариш факультети
 гуруҳ 40-14 шифр _____
 битирувчиси Исмаилов И. И.
 (Ф.И.Ш.)
2. Диплом лойиҳа (иши) мавзуси Ташкилот шараф йил-
 ларда қилган ишлари учун ҚРДБ
 ва қўғамда ишлар учун лойиҳавий таълим.
3. Диплом лойиҳа (иши) ҳажми А-Ҳ. 4 ҲҲ.
 Тушунтириш хати 52 ҲҲ.
4. Умумтехник ва махсус тайёргарлик тавсифи _____
5. Бажарилган диплом лойиҳаси (иши)нинг қисқача таърифи: Архитектура-
 қурилиш қисми: объект тавсифи, мақсад ва қайта тиклаш вазифалари,
 ситуация режаси, тиклашгача ва ундан кейинги фасадлар (бинонинг олд
 томонлари). ТИК ҳисоблаш-конструкция қисми: батафсил текширувлар,
 бинонинг эксплуатацияга яроқлиги бўйича баҳолаш: пойдеворлар, ораёлма
 ҳисоби.
6. Диплом лойиҳа (иш)нинг сифати сўрабч аҳо
7. Бакалавр диплом лойиҳаси (иши)нинг ижобий томонлари (янгилик,
 оригиналлик) Диплом лойиҳа янги объект
 бўлиши баҳорилган.
8. Диплом лойиҳа (иш)нинг камчиликлари йўқ.
9. Хулоса _____


9. Хулоса Динлар ҳақида Топшириқ
асосид Батаришган актлар
мавзу Бўлиш ҳақида масалар
тўғр Батаришган Динлар
ҳақида юқори баҳо Билан
Баҳолашди.

10. Раҳбар проф. и. ор. а. Раҳимов Б. К. Қаш
(Ф.И.Ш.)

Факультет К. Б. ор. Кафедра М. К. К.

Лавозим проф. и. ор. и

Сана 26.06.18



ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қурилишни бошқариш факультети битирувчисининг битирув малакавий
ишига

ТАҚРИЗ

1. гуруҳ (шифр) 40-14 Ш. К. Х. Шакар
турилиш ва ҳўтмалиш Исоиқовна. Шўда.
(ф.и.ш.)
2. Битирув малакавий иш мавзуси Токиелӣ шакар Ҷишбод
тулиш сҳошси ушун Ф.Х.Д.Е. ва но-У
тармел идрел ушун лойиҳовиле такиел.
мавзуйдаги Битирув малакавий ишининг бажарилиши бўйича.
3. Битирув малакавий ишининг тушунтириш хати, ҳажми Ф А-I - 4 лист
бет
+ илова
4. Умумтехника ва маҳсус тайёргарлик таърифномаси
5. Бажарилган ишнинг қискача мазмуни: Бажарилган иш 4
Ҷишбод иборат Ҷишбод шакарсозлик
тисиле архитектура - турилиш тисиле
контруктив хисоб - тисиле мехнат
муҳаббатсиз тисилелар ил ақсими
дўган. Битирув малакавий иш
объект таъсир ушун маҳсод
ва барқарорлар яқин ақс атқарилган
Ҷишбод орасид, яқин туркилла-
ни қондворилар хисобд баҳорсеме
еритиб Берилган
6. Бажарилган иш топширик билан мувофиқлик даражаси ҳақидаги хулоса
Бажарилган иш топширик билан
тисиле мувофиқ келад.
7. Битирувчи мустақиллигининг намоён бўлиши мустақил равишда режаллик
Битирувчининг мавзуси рақ
объект орасид бажарилган.
8. Битирувчининг Битирув малакавий ишини ижобий томонлари (янгилик, оригиналлик)
Битирувчининг ишидан ижобий
дўган - тисилелар. қондворилар қондворилар
дўган - тисилелардан дўган орд.Х.Д.Е.
ва малакавий ишд турилиш дўган иш
лойиҳовиле такиел Берилган иш.

9. Битирув малакавий иш камчиликлари Ушбу баъриб
малакавий иш камчиликлари таъминот басмалар
тўлиқ баъриб баъриб баъриб
баъриб баъриб баъриб баъриб

10. Хулоса ва тавсия қилинган баҳолар Диндор қўлига
таъминот баъриб баъриб баъриб
баъриб баъриб баъриб баъриб
баъриб баъриб баъриб баъриб
баъриб баъриб баъриб баъриб

Такризчи Монасуров Н.
(Ф.И.Ш.)
Иш жойи Ихлос - хавас - Ушбу
Лавозими Директор



Сана 30.06.18